

"Шу кунларга етказганига шукр"



-«22 декабрь соат 8-00 га яқинлашган сари вужудимни ҳаяжон босиб, Худога минг қатра шукр, шу кунларга ҳам етиб келдим деган хаёллар ўтаяпти кўнглимдан», - деб ўз сўзларини бошлади биз билан сўхбатда Сариканда маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Сирожиддин-ота Мадаминов. Отаҳон ўзи юролмасада, лекин тилида шу кунларга етиб келгани учун шукроналик мўжассам. Мана, қариб ўн йилдирки, отаҳон касаллик ёстиғига миҳланиб қолган.

-«Ўғлим Алишержондан эшитдим, биздек кўмакка мўҳтож одамларга ҳамма шарт-шароитларни овоз бериш участкасида яратиб қўйишибди. Энди аравада борсам ҳам, бемалол пандус орқали участкага кириб борамн, махсус кабинага кириб, ўзим танлаган номзодимга овоз бераман. Шундай шароитларни яратиб берган Юртбошимизга катта раҳмат», - дея сўзларига давом этади отаҳон.

Айтганча, яқинда Мадаминовлар оиласига Фарғона вилоят ҳокими Шўҳрат Мадаминович Ғаниев ташриф буюриб, отаҳон билан учрашган. Энг қувонарлиси, отаҳонга вилоят ҳокимлиги томонидан автоматик тарзда юрадиган ногиронлар аравадиси ҳам тақдим этилди.

-«Сирожиддин-ота билан ҳар куни сўхбатдамиз. У киши биринчилардан бўлиб, 22 декабрь куни сайлов участкасига келиш ниятидалар, Ўзбекистонимиз гимнини бирга айтамыз дейди отаҳон ва биз албатта, отанинг бу ниятларини амалга оширишга ҳаракат қиламыз», - дейди сўхбатимиз чоғида 431-Сариканда участка сайлов комиссияси раиси Мадаминжон Усмонов.

Ҳа, Сирожиддин-ота Мадаминовдек ватандошларимизга бевосита Президентимиз томонидан берилаётган эътибор уларда Ватанга бўлган дахлдорлик ҳиссини янада кучайтиради. Чунки улар ҳам сайловлар кунинда бир овозга эга инсонлардир ва улар томонидан берилган овоз ҳақ қилувчи аҳамиятга эга эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир.